

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



UZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 17-sentyabr • № 38 (4073)

ОЙБЕК ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

“Тарихий хотирасиз келажак йўқ” деган эди Президентимиз. Тарих бағрида келажак камол топади. Шу боис ҳам тарих унутилмайди. Аждодлар ва авлодлар силсиласининг узвийлиги, миллат шажарасининг умрбоқийлиги, мерос ва қадрият каби моддий ва маънавий бойликлар ҳам тарихий хотира билан мўътабардир.

Биз аждодларимизни миллатимиз равнақи учун қилган ишлари, авлодларга қолдирган салмоқли мероси, умуминсоний қадриятларни барқарор этишга қўшган ҳиссалари туфайли эъзозлаймиз. Шунинг учун ҳам бугун маънавиятимизга, адабиётимизга катта эътибор кўрсатилмоқда. Яқиндагина Самарқандда Мирзо Улугбек музейи ва ҳайкали, қадим Бухорода эса улкан монумент ва муҳташам театр биносини ўз ичига олган маданий марказ бунёд этилди. Адабиётимизнинг унутилмас сиймолари Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфияxonимига ва куни кеча атоқли адабимиз Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекка пойтахтимизда ўрнатилган ҳайкал ҳам маънавиятимизга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси.

га бағишлади. Устоз Ойбекнинг номи Чўлпон, Қодирий, Фитрат каби хуррият фидойилари қаторида туради. Миллатимиз фахри бўлмиш Навоий сиймосини адабиётимизда илк бор Ойбек яратган эди. Алишер Навоий номи билан аталадиган боғда Ойбек ҳайкалининг очилишида теран мазмун, рамзий маъно бор. Зотан, Юртбошимиз “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида: “Биз шоир деганда аввало Алишер Навоийдек беназир зотларни, ёзувчи деганда, Абдулла Қодирий, Ойбек сингари ўз халқи учун нафақат ноёб истеъдоди, айна пайтда бутун ҳаётини бағишлаган буюк ва мўътабар инсонларни тасаввур этамиз”, — дея улғу ижодкорлар даҳосини юксак даражада таърифлаганди.

Ҳайкалга боқаркансиз, беихтиёр шоирнинг Ватан ҳақидаги сатрлари ёдга тушади.


*Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаси кўёш соғинар...
Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар.*

Навоийшунос олим, академик Азиз Қаюмов Ойбекнинг академики, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ижтимоий бўлим раҳбари сифатидаги фаолиятига оид ибратли воқеаларни эслади. Адабиётшунос олим Шухрат Ризаев, “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири Улугбек Хамдам ўз сўзларида Ойбек романларининг тиссоллари, тили, фалсафаси, шеърларининг жозибаси ҳақида фикр юритди. Ойбек асарлари ёш авлод камолотида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Ойбекнинг жияни Муҳаббат Тошмуҳаммадова ёзувчи хотирасига кўрсатилган юксак эҳтиром учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ёзувчи-шоирлар, олимлар, адабиёт ихлосмандлари, талаба-ёшлар Ойбек ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Ойбек ўз асарларида битган Ватанимиз тарихи, халқимиз сурати ва сийрати адабиёт ихлосмандларининг маънавий мулкига айланган. Бугун тарих ва келажак чорраҳасида ёзувчига муҳташам ҳайкал қўйилди. Ҳали қанчадан қанча ёш ижодкорлар Ойбек ҳайкали пойига гулдастлар қўядилар, янги шеърларини ўқиб, мушоиралар ўтказадилар. Ойбек сиймоси уларни маънавий камолотга даъват этаверади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирынинг ўринбосари А.Арипов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Рустам МУСУРМОН



Аъло АБДУЛЛАЕВ (Уш) олган сурат.

Абдулла ОРИПОВ БЕРУНИЙГА МАКТУБ

Термизлик буюк аллома Аҳмад Устурлобийнинг Абу Райҳон Берунийга ёзган мактуби маълум бўлди

Минг йиллар муқаддам Хоразм томон Аҳмад Устурлобий юбормишди хат. Ёш олим Беруний топса гар имкон Келиб кетсин, демиш, Термизга албат.

Демиш: — “Фазоларни ўрганмоқ учун Устурлоб ясадик, яратдик дастур. Шояд, зеҳнимиздан сачраган учқун Сиздек иқтидорга бўлоса манзур”.

Ажабо, орадан асрлар ўтди, Мен кўриб турибман хатни зоҳирда. Кеча Тўйтепадан йўлланган мактуб Бугун ўқилгандай Шайхонтохурда.

Чиндан ҳам ўчмағай таралган бир бонг, Сўнмас буюкларнинг ўтли каломи. Дафъатан ҳаяжон уйғотса не тонг Ҳатто мактубларда битилган номи.

Сиз дерсиз, шунчалар ноёми бу ҳол, Ҳар ким ҳам йўқлагай дўстни — маҳбубни. Бир кунда ҳар қандай одам эҳтимол Ёзиши мумкиндир мингта мактубни.

Лекин ўз мақоми бозмағай ҳаёт, Унинг ўлчовлари қатъий, мустаҳкам. Ҳар кун тўғилмас Берунийдек зот, Ҳар доим учрамас Устурлобий ҳам.

10. 09. 2010 йил.

САҲНАДА ЗАМОНАВИЙ ҚАҲРАМОН ОБРАЗИ



“Театр давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни саҳнага олиб чиқиши зарур. Фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончини оширадиган, ориятини кучайтирадиган замонавий қаҳрамонлар образини яратиш керак”. Юртбошимизнинг “Бухоро маданий маркази”даги янги театр биноси билан танишув чоғида санъаткорлар билан мулоқотда айтган ушбу гаплари бугунги замонавий театрнинг янги мазмун-моҳиятини ёрқин ифода этди.

Кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган “Саҳнада замонавий қаҳрамон образи” мавзусидаги илмий-амалий анжуман Президентимизнинг ана шу кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

Замонавий қаҳрамон кифасини тўлақонли гавдалантириш бар-

ча санъат аҳли, ижодкорларнинг бурчидир. Замонавий қаҳрамон образини яратиш — давр талаби. Бу жараёнда бир неча ижодий соҳаларнинг ўзаро мустаҳкам ҳамкорлиги зарур. Биринчи навбатда яхши асарларни, гоёвий-бадиий етук пиесалар зарур. Қолаверса, ўз соҳасининг усталари, ҳақиқий профессионал режиссёрлар, актёрлар, композиторларнинг сый-ҳаракатлари яхши натижа беришига шубҳа йўқ.

Бунинг учун биринчи навбатда режиссёр, драматург, театршунослар тайёрлаш борасидаги вазифаларни кечиктирмай амалга ошириш зарур. Шунингдек, театр арбоблари, кино ижодкорлар, бастакорлар, ёзувчилар уюшмалари ўртасида мунтазам ижодий алоқани йўлга қўйиш, ҳамкорликда ишлашнинг қулай ва афзал усулларида фойдаланиш лозим. Ёш драматурглар, режиссёрларнинг ўзаро учрашувлари, фестиваллар бу борада катта

аҳамият касб этади. Анжуманда замонавий қаҳрамон образини яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар, ҳамкорлик режалари, драматург кадрлар тайёрлашнинг бугунги ҳолати каби масалалар юзасидан маърузалар тингланди.

Илмий-амалий анжуман ишида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш биришмалари, Ўзбекистон Бадий академияси, “Ўзбекино” Миллий агентлиги, “Камолот” ЕИҲ марказий кенгаши, Санъат, Маданият институтлари, Консерватория, Миллий рақс ва хореография олий мактаби вакиллари, республика театрлари директорлари ва бош режиссёрлари, драматурглар, театршунослар, режиссёрлар, рассомлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Жаҳон тиллари университетида “Ўзбекистон-Иордания” дўстлик жаҳияти томонидан мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик, маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши раиси С.Ғуломов ва Иорданиянинг Ўзбекистондаги Факуллода ва мухтор элчиси Муваффақ Ажлоний икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш учун хизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар.

Байрам шодлиғи бадий дастурга улашиб кетди. Консерваториянинг “Регистон” гуруҳи, эстрада хонандаси Замира Орипова, талабалар Ҳилола Хўжаева ва Авазбек Насриддинов ижросидаги куй-қўшиқлар йилгиланларга манзур бўлди.

М.РАҲИМЖОНОВ

БИЛДИРИШ

Шу йилнинг 22 сентябр чоршанба куни соат 15.00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносида (Ўзбекистон кўчаси, 16-уй, 6-қават. Тел: 245-98-19, 227-08-31) ёш ижодкорларнинг “Онажоним — шерьият” тўғрагининг навбатдаги машғулотини бўлади. Барча қизиққанлар таклиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

Фафур МАРДОНОВ

СПОРТ БИЛАН ҲАМНАФАСМАН



Навқирон авлод сўзи

Зумрад ТАЗЕТДИНОВА:

Тошкент Ахборот технологиялари университети, Ахборот технологиялари факултетининг II босқич талабаси, спортнинг у-шу ва каратэ турлари билан шуғулланади, Зулфия номидagi мукофот совриндори.

Истиқлол йилларида республика театрларининг репертуари янги-янги номлар, асарлар билан бойиб бораёпти. Айтиш жоизки, жаҳон дурдоналаридан баҳраманд бўлган драматургларимизнинг сый-ҳаракати эвазига замонавий ўзбек драматургияси янги бир кўринишда фаолият юритаётганига гувоҳ бўляпмиз. Мана шундай асарлардан бири, бир неча йилдири, Ёш томошабинлар театри саҳнасидан тушмай келётган “Дискотека” спектаклидир. Шухрат Ризаев қаламига мансуб бўлган бу саҳна асари Ўзбекистон санъат арбоби, театр бадий раҳбари Олимжон Салимов томонидан саҳналаштирилган.

Сир эмаски, мустақилликка эришганимиздан сўнг асосий нигоҳ ёшлар маънавиятига қаратилди. Замона талабидан келиб чиқиб яратилган “Дискотека” спектаклида ҳам айнан эркин фикрли ёшларнинг ўй-хаёллари, ораулар ҳақида баҳс юритилди. Шу боис ўзининг 82-мавсумини театр долзарб мавзудаги ана шу

асар билан очди (болажонлар учун Чукковский қаламига мансуб “Ойпошша” спектакли ҳам намойиш этилди. Режиссёр Малика Исқандарова).

Айни кунларда театр ижодий жамоаси бир қанча саҳна асарлари устида ишламоқда. Саҳна-

Болалар қалбига йўл

лаштирилаётган спектакллардаги ягона умумий жиҳат болажонларни эзгулик, ҳақиқат тантанасига ишонтиришдир. “Биз болаларга доимо бола деб қараб катталар тилида гаплашамиз. Бундай муомала билан уларнинг кўнглига йўл топиб бўлмайди. Қачонки, уларнинг ҳар бирига шахс сифатида муносабатда бўлганимиздагина улар бизга ишонишади”, — дейди О.Салимов.


Театр репертуаридан замонавий ўзбек драматургияси билан бир қаторда мумтоз асарларнинг ҳам жой олиши театрнинг юксак гоёларини ўзида жот этган ҳақиқий санъат асосий омиллардан биридир.

Ж.Б.Мольернинг “Учар табиб” асари асосида “Алхўжа — Хўжаали” спектакли ҳамда Ўзбек адабиёти дурдонаси бўлмиш Фафур Фуломнинг “Шум бола” асари асосида саҳналаштирилган “Халфана” каби спектакллар томошабинлар томонидан илқ қабул қилинган.

Шуни мамнуният билан эътироф этиш лозимки, мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги арафасида заҳматқаш актриса Фарида Умарова “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонига сазовор бўлди. Албатта, ҳукуматимизнинг бундай юксак эътибори ижодкорга қанот бағишлаб, янгидан янги санъат асарлари дунёга келишига туртки бўлади, деб ўйлаймиз.

Яшаётган сатрлар

Шавкат РАҲМОН



Ечиб оппоқ кўйлагини вақт, кийди яшил гулли кўйлагини. Юрак, уйғон, капалак каби чечакларга кўниб ўйнагин.

Майсаларин тараб, парвозга шайланади чексиз далалар. Ўспирнилар кучоғида маст қирда асир тушган лолалар.

Бирданига барча дараклар қовжиратиб тўқиди баргин, ухлаб қолар шўҳ ўспирнилар хафа бўлган болалар каби...

Саҳаргача табассум бўлмас, шамол кезар зеркиб, уфлаб, Хайр, эй қиз, эй сеҳргар қиз, яхши тушлар кўрганча ухла!

Жуда зарур саҳардан бошлаб кучаларин сўйиб босмоғинг, қотиб қолган совуқ юзларга илиқ табассумлар осмоғинг.

МАНЗАРА

Хиралашар зирвалар қори, сўлар улкан лолалай офтоб, битта ўзим майса ёйилган тепаликда ўқирдим китоб.

Кабутарлар учгандай бўлди, шундоққина ёнимдан сарин шаббодадай ўтарди ўйнаб, шоҳи кўйлақ кийган настарин...

Соҳи кумрол, дудоғи лола, Юзлари оқ, ёноқлари ол, ўйнаб ҳарир этакларини, кучоқларди болақай шамол.

МЕНИ ЧОРЛАР САМОВИЙ ЭРТАК

Ҳасан КАРВОНЛИ | Хусан КАРВОНЛИ

ЙҮҚ ОДАМ

Унинг бошқалардан йўқ фарқи, Эл қатори қувончи, ташвиши. Салом-алик ва хайр-хўш. Дарвоқе, Тилладан ойнағининг гардиши.

Викор билан индамай юрар, Савлати тақозо қилгандай. Гоҳида сиз учун қуюнар Ичингиздагини билгандай.

Бировга тушмайди оғири, Кўксингизга отмайди ўқ. Фақат... оғир қунада Суянай деб қарасангиз — йўқ.

Ҳижрон ғолиб келди ниҳоят, Ўртамоғин бошлади жонни. Тутти олиб моҳир бир сайёд Қайнагандай хуррак жайронни.

Оҳ, бу юрак кимларга шайдо, Олов сачрар чеккан оҳидан. Неғалигин билмадим, аммо Соғинаман сени гоҳида.

Беишқларга борлигингни айт, Бир жилмайтган одамга ўхшаб. Сен — тирик шеър, сен — тирик ҳайрат, Сени кўргим келди, Бинафша.

Бир пайтлар космонавт бўлмоқчи эдим, О, осмон — синоат, чексизлигү байб. Осмондан бадарга қилинган одам Фарзандиман, нетай, орзута йўқ айб.



Теграмга қарасам чексиз зангори, Тегамга қарасам ҳаммаёқ мовий. Мени чорлар эди кенгликлар сари Отам айтиб берган эртақ самовий.

Қанотсиз ҳам мумкин осмонда учмоқ, Ой билан ўйнашмоқ, булутни кучмоқ. Шамолдан ҳам ўзмоқ, юлдуззор кезмоқ, Ўзингни дувёда энг бахтли сезмоқ.

Ҳаёт эртақ эмас дегайлар гарчи, Орузли одамнинг ҳайрати орташ. Орузлар одамини кўкка чорласа Кичкина ташвишлар тушроққа тортай.

Майда одам бўлишдан Худо асрасин, Майда одамларнинг қаричи калта. Ўйлашга вақти йўқ, тинмайди, Елкасида йиртиқ рўзгорхалта...

ШОҲИ КҮЙЛАК КИЙГАН НАСТАРИН

Боғларда оқ аланга гурлар, тебба қилар шамоллар исси, гулос гулини кийган кўчада оқиб борар қизлар кулгуси.

Гуркираган бу рангин олам туйғуларни ўйнатади ташлар ва ажойиб кунлар умримда атир гулдай очила бошлар.

Чақин бўлма, бўлма гулдирак, ердан кўнам узокдаб кетма. Овозингни йиртмагин бекор, ерни кўчма — кулчинг етмас.

Ундан кўра бирор одамнинг макони бўл — ирмоқли, сойли, шамолларни тўсган тоғи бўл, осмонни бўл — юлдузли, ойли.

МУҲАББАТ

Муҳаббат — чиройли капалак, кўркман шўрликни тутгани. Капалак қувганим ёдимда, ёдимда йўқ аммо етганим.

Юрагим ранжиган боладай на эрмак, таскинга кўнади. Муҳаббат — чиройли капалак, ҳали ҳам гулларга кўнади.

Ортидан ҳалоллаб чопаман, хижолат бўламан гуркилан — қанчалик югурмай, барбир орқода қолардим шўрликдан.

СЕҲРГАР

Дерзангдан боқасан сирли, титроқ солиб кўндүз жонига. Соҳларингни ёзсан — туни кизгизасан аста хонанга.

ҚАСИДА

Тутилган ой, қадимги фанорсан, анор. Ёқут тўла қин-қизил қанорсан, анор. Гоҳо қорол, гоҳида пуштисан, анор. Ернинг қонга бўялган муштисан, анор.

ЖОДУ

Чалғиб қолдим бир зумга — ногоҳ кўзларимга ранглар урилди, ҳовилилардан кўпирган оппоқ, пушти гулли боғлар кўрилди. Кун товналиб айланар экан, рангларин-ла боғлаб кўзимни, гўзалларинг қулдоғин терган қизлар аро кўрдим ўзимни. Қийиқ қизлар қақҳаҳларин лабларин-ла зўр-базўр ушлар. Кўтарганча сал даҳанларин, ҳозир титраб учгучи қушдай. Йлт-юлт этар ноёб сувратлар, яшил... яшил... вой, жоним яшил. Амонатман бир ўтим сувдай, баҳор, яшил кўзларинг яшир!

Бир сескандим, айтган сўзимдан, тондайд оғир гулларин-ла бот, сездирмасдан асло ўзимга, хотириман безарди ҳаёт.

ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ

...Туннинг қоқ ярмида уйғониб кетдим. Очиқ айвонда, шундоққина ерга жой тўшаб ётибмиз. Тепамдаги осмон гўё ўй тоmidан салгина баланддайд туолади. Юлдузлари гилос гулларидек гуж-гуж, тўкилай-тўкилай деб турибди. Уларнинг ҳаммаси таниш, минг йиллик қадрдонларимдек. Бироқ оний ҳайратим бир зумда сўниб, сокин ва дилбар тун аро даҳшат бостириб кела бошлайди. Кеча... "Йўқ, тўхта! Бу ҳақда ўйлама! Бунга ишонма! Аслида..."

Бош тарофимиздаги кекса дарахт шохидан битта беҳи "тап" этиб ерга тушди. Ҳозир августнинг охири, ҳали беҳи пишмайди. Курт еган бўлса керак. Ҳали замон тонг отса, онам уни авайлаб олиб, тандир тоқсанига қўяди-да, "ошга босворинглар, увол бўлма-син", деб тайинлайди. Уни албатта онам олади, чунки эсимни таниганимдан бери ота ҳовлимда биринчи бўлиб тонгни волидам қаршилайди. Биз ўлайдиқ, ҳаммамиз уйли-жойлигимиз, қўш-қўш келинлар тушди — барибир онам биринчи оёққа турадилар. Худди тонг фаршталаридек... Кейин ҳаммани сизлаб, "болажоним"лаб уйғотайди. Мен-ку, ҳар замон бир борганим учун ҳануз эрқалик қилиб, уйғонсам ҳам хуш ёқиб ёта-вераман. Гарчи қирқчи қоралайман... Онам боис бу масқанда ҳеч нарса ўзармаган, шу остонани ҳатлаб ўтсак бас — ҳаммамиз болага айланамиз. Ха, ҳеч нарса ўзармаган, ҳозир тонг отандан кейин куннинг қандай ўтишини ёддан биламан. "Қизларингни уйғотмай тур, йўл юришган, пича дам олишсин", "Вой нега пой-ғақда ўтириб олдинг, ке тўшаққа ўт, болам", "Кўзларинг сал кўзариттимми кўп ёзсанда, а?", "Ма, камзулимни кийиб ол, ҳаво салқин"... Бунақа гамуруликларнинг адоғи йўқ. Йиллар онамга шафқат қилмади, жигарларини, сўнг дадамни тортиб олди. Лекин дийдаси қотмади, аксинча, дарддан илма-тешиқ кўксидидаги ҳар бир жароҳат булоқ кўзига айланиб, меҳр қайнаб чикверди. Биз олпига фарзанд бир умр шу булоқдан қониб-қониб баҳраманд бўлдик. Ҳаргиз кўнгул ташналикни билмадик... Ана, юлдузлар битта-битта

ЧАҚМОҚ ЮРАГИМГА ИЗЛАР ЙҮЛ

Укасини ияртиб ўтди мен соғинган томонга қараб ўттиз бирга кирган тошотар.

Янтоқ гули димоққа урди тошиб кетди томримда ҳаёт ҳаёлимга сизмади соғинч.

Кўзларимда гуллади осмон сой бўйида чўнқайди ваҳм эшигини кўширди кундуз.

Ангарларни ўпади шамол салобати йиқилар жарга бир керишиб олади дарахт.

Кўз олдимда ечинар дала сўнг кияди қоп-қора тўни бекиниб олади ҳовлимга.

Тоғлар билан искакшан булут қозық қоқар қишлоқ устига одам билан ўчакишгандай.

Пана излар совқотган шамол сўйикалади оқтўн дарахтга терак сафи хуфтонни ўқир.

Музлаган Ой уйқуга ётар яхлаб қолган осмон элини Ерга тинмай жунатар элчи.

Шамоллаган дарё йўталар қағиш бўлгунча чопонин зарга булаб кияди кейин.

Кўзойнаги хиралашган уй кўкрак кериб боғ ўртасида чилладан кўрийдди кўкални.

Шевада: қайсар, қизиқувчан, Ҳенди, кўкжам

Қатрлар

ди. Ҳовуздаги ой акси титраб кетади. Ой... У шаҳарда ҳам худди шундай гўзал, фақат қўнқаватли маҳобатли уйлар унинг жамолини тўсгани-тўсган. Бу ерда эса осмон яқин...

Едимда, шундай ойдин кечаларнинг биринида онажоним ўғай онасидан қочиб ойга чиқиб кетган қизча ҳақда эртақ айтиб берганлар. Ушанда худди мени ҳам тортиб олиб кетишлари мумкиндай онамнинг пинжига сўқилиб олгандим. Илик кўкси, меҳр исли ёқалар мангудек эди ўшанда... Йиллар кўп нарсаларимни тортиб олдилар. Лекин ҳақон ойга қарасам, пақирча кўтарган қизини кўраман, ўша кунларга қайтгандек бўламан.

Теракнинг ҳулираётган баргларига қаранг, тўз-тилла тангалардек ялтйилайди. Акам болагимизда букур танасига ўйиб ёзган ҳарфлар том бўйи кўтарилиб кетган. Бу бизнинг исмларимиз эди. Улар юк салгани сари биз ҳам улғайдик, ўзаримиз кетдик. Лекин теракларнинг қарашлари, тунинг дилбар манзаралари ўша-ўша. Ҳақон чигирткилар ўша қўшиқчи куйлайди, ҳақон оймомо ариқда қалқиб туради...

Биз бир умр нималаргадир интилиб югуриб-еламиз, қаёққадир шошиламиз, янги уфқлар томон юкинамиз. Бироқ ҳеч қачон ва ҳеч қерда ота уйимиздагидек хотиржам, суюкли бўлолмаймиш. Шу ерда — болалик бекатидагина елкадаги юкларни кўйиб тин оламиз, ўзимизга қайтамиз. Яхшиям бизга интиқ манзиллар, қаркаган кўнглимизга оби-ҳаёт бергучи ота уйлар бор!

ОСМОННИ ТОПГАН ҚУШ

Эрта тонгда ишга ошиқайтган одамлар оқимидан ажралиб, хиёбон томон бордилар. Ишонамга элтвучи йўл айнан марказий хиёбон оралаб ўтиши нақадар сози Азим чинорларнинг бағрига сингиб кетгинг келади. Маҳобатида рухинга қувват, вазим қадди-бастидан кўнглига хотиржамлик инади.

Хиёбондан чиквердидаги йўлда пайдо бўлган спорт кийимидоги кишининг ҳаракатлари эътиборини торти. Хиёл энқайганча, аста-секин қадам ташлаб, нигоҳи билан майсаларни пайпаслаб нимандир қидиращди. Қўлида бўш қафас. Ха-а, тушунарли — қафасдаги қуши қочиб кетибди. Бирдан кувониб кетдим. Хаёлимга келган сўзлар қалбимда акс-садо берди: "Қуш қафасдан қўтулибди!"

Болаликдан тутқунликдаги қулларга раҳиман келади. Панжара ортидаги кийик, шиша деворга қамалган балиқ ва айнақча, парвоз учун яратилган қанотлари аҳамиятини йўқотган қушлар... Уларни кўрсам эзиллиб кетаверман.

Шу пайт майсалар орасида пилдираб бораётган жонивор беҳитиёр кўзга ташланиб қолди. "Учансан-чи, баландроқ учсан-чи!" Бечорагина мит-тивой, сал қолди-я ушлаб олсанчи! Ўх-ўх, ўзим ҳўб чиройли экансан-да. Фақат учишни бироз унутиб қўйибсан... Ҳуш авани чинорларнинг қалин шохларига етиб олсан эди, ҳеч ким тутиб ололмади. Кейин энг баяндал шохига чикиб олардинг. У ёғи эса — осмон!

Осмонингни топардинг, қушчам! Ҳадемай катта йўлга ўтиб олдим. Аммо беҳитиёр қадамларини секинлатиб борардим. Ҳозир ортага қайрилиман. Унинг озод бўлганини кўрмай кетолмайман, ахир.

Яхшиям, яхшиям ортимга қарангим! Қушчаннинг сап-сарик, ялтироқ қанотлари бир ёйилди-ю чинор япроқларининг зангор оламига аралашиб кетди. Яхшин парвоз!

Енгил нафас олдим, қадамим ҳам пардек енгил. Менинг хуррак кўнгул қушим-да сариқ қанот қушча билан қувалашиб, хиёбон узра нарх урарди...

Гулчехра АСРАНОВА

“ТАФАККУР”

2010, № 3

Журналларни varaқлаганда

“Модерн адабиёти: тадриҳ ва талқин” мақоласида жаҳон адабиётининг модернизм ва ўтган асрнинг етмишинчи йиллари пайдо бўлган постмодернизмнинг ўзига хос тамойиллари хусусида, Нурсатулла Жу-мақўжа “Тарих — буюк мураббий” рукнидаги “Фирдавс ул-иқбол” сабоқлари мақоласида миллий тарихни ян-гича илмий тадқиқ этиш ва ўқитиш, тари-хий-бадиий филмлар яратишида Шермухам-мад Муноси ва Муҳам-мадризо Оғахйининг қайд этиш шарҳлари асосида замонавий ўзбек имлосида тўлиқ нашр этилаётган ушбу асари аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Адабиётшунос олим Шухрат Ризо билан суҳ-бат (“Хайрихолик — бош ме-зон бўлса...”), Абдухалил Раз-зоқовнинг “Иқтисодий тафак-кур” рукнидаги “Ғоялардан — таълимотларга”, Дамин Жу-мақулнинг “Гурур — ўзни бил-



Журналнинг янги сонини му-толаа қилганда дастлаб бош му-ҳаррирининг “Маънавийсиёз то-мошабинлар” сарлавҳали мақо-ласи эътиборни жалб этади. “Бозор ахлоқи ғолиб келибми ёки маъжид эркиниликлар уна-мунча фазилатлар баробари инсон тийнатида биқиниб ётган баъзи бир ноёп майлларни ҳам кўзгаб юбордимикин, харнечук, ўзимбулайчилик, худбинлик кай-фиятлари кучайиб кетгани сир эмас, — деб ёзади муал-лиф. — Дейлик, ўзимиз яхши билган, бирга юриб, бирга тур-ган яқин кишининг дафтан иши юришмай колса ё бошига бало ёғилиб, у бирор ноҳақлик-ка учраса — ёнига тушмагани-миз, елка тутиб Ҳимоя қилмагани-миз-ку бир сари, уни яхши билмаган беғоналарга қўшилиб, “Ҳама айб ўзида, шу гални ай-тиб нимга қиларди, шу ишни бошлаб нима зарил эди, жим-гина юрaversа бўларди-ку”, дея шўрликни баттар чандий кетамиз”. Мақолада бу фикрларни асословчи мисоллар ҳам тилга олиб ўтилган. Дарҳақиқат, мар-длик ва танглик, олижаноблик барча замонларда ҳам инсон маънавиятини юксалтирувчи мезонлардан бири сифатида камёб ва камёб бўлгани учун ҳам қадри беихоҳ баянлан-ди. Муаллиф буларни қайд этиш орқали ло-қайдлик ва худбинлик кайфиятини маънавий тараққиётга кушанда бўлувчи иллатлардан бири сифатида баҳо-лайди ва ўқувчини оғо-ликка чорлайди. Абдураҳим Эркәев-нинг “Оқсоқол” сарлав-ҳали мақоласида жамият ҳаёти-да маҳалла оқсоқолларининг мавқеи, обрў-эътибори, шунинг-дек, уларнинг турмуш масалала-рида маҳалладошларни давлат идоралари билан боғловчи шах-сга айлангани, оқсоқоллик ин-ститути замонавий талабларга қанчалик мослиги хусусида му-лоҳаза юритилади. Муҳаммадjon Холбеков “Санъат фалсафаси” рукнида-

ОТА УЙИМ

Оқшомлари

Мен уларни жуда соғиндим... Қишлоқ баҳорининг кундузлари, ёзининг эса тунлари ўзгача фусункор бўлади. Қирмизи олма мисол қуёш уфқ ортига эри-ниб юмалган палла машиналар шовқинидан чарча-ган қулқоқ кўй-қўзиларнинг маъраши бирам ёқадик-ки! Аста-секин тун пардаси ёйилар экан, ўчоқ узра кўкка қуваланган илгича туғун беҳининг қалин бар-гарлари орасида ғойиб бўлади. Кун бўйи ҳовлида сар-сари кезган шаббода хиёл жонланиб, сувлар шил-дирими, гуллар шивирими — аллақандай дилхуш насимларни элта бошлайди. Сўри атрофига сепил-ган сув зарбидан ногоҳ чайқалиб кетган райхонлар оламини атрига гарк қилади. Ана, чигиртка хонинг бош-ладди. Оҳ, бу мен учун она алласидан кейинги энг қадрдон қўшиқ! Уни боғ саҳнидаги қаравотда юлдуз тўла осмонга тикилиб ётганча тингласанг борми, ду-ненинг бор ташвишлари шу бир лаҳзалик сурур қоши-да таслим бўлади. Қишлоқ тинчиб, пастқам девор-лар аро сукунат чўқанда, туннинг чиройига ой ну-рлари сўнгги чизиларни юритади. Нимлушти, тилла-ранг, ҳарир ёгду оғушида унинг хусни-малоҳати шу қадар мукамаллашадикки, денгиздек мавжланган туйғулар кўксинга сизмай қолади. Йўқ, бундай тун-да ухлаб бўлмайди. Девор тагидан сирғалиб ўтиб мўъжз ҳовузчага қулувчи ариқ томон оёқларинг ўзи бошлаб кетади. Қадам товушини сезган қурбақа ашуласини чала қолдириб, “чўлп” этиб сувга сакрай-

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”нинг шу йил 18 июн сонидида босилган Ж.Маматқосимовнинг “Актёр савияси” мақоласини катта қизиқиш билан ўқидик. Мақолада театр санъати, унинг бугунги кундаги аҳволи, актёрлар ихроси, одоби, томошабин савияси ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Таниқли мунаққидлардан бирининг мақола муаллифи тилга олган: “Ахлоқ бузук, маънан қашшоқ одам саҳнадан туриб томошабинни поклик ва олижанобликка давват эта олмайди”, деган сўзлар, назаримизда, нафақат театр актёрларига, балки саҳнага чиқадиган ҳар бир ихроғчи (хонанда, раққоса, қизикчи ва ҳоказо) ҳам тегишли.

Халқимизнинг маънавий камолотида барча санъатларнинг ўзига хос ўрни бор. Жумладан, кўшиқчилик санъати ҳам бу борада алоҳида аҳамият касб этиб бораётгани ҳаммамизга маълум. Негаки, кўшиқчи ҳар кун, ҳали телевидение, ҳали радио тўқинлари, кўча-кўйда, бозорларда, ҳатто автотранспорт воситаларида ҳам эшитамиз. Қулоққа ёқадими-йўқми эшитишга (тинглашга эмас) мажбурмиз. Ёши улуглар ҳам бу халатга кўниқиб бўлишди. Шунинг учун бугун қаерга бормаёлик, ким билан суҳбатлашмайлик, гап айланиб эстрада хонандаларига келиб тақаллапти. Ҳақиқатан, янги-янги овозлар кўпайиб борапти.

Юртимиз истеъдодларга бой. Ана шу ёшларнинг эмин-эркин ижод қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, “Ўзбекистон — Ватаним маним”, “Ягонасан, муқаддас Ватан”, “Нихол”, “Янги авлод”, “Янги номлар”, каби кўрик-танлов ва фестиваллар истеъдодларнинг юзага чиқишида катта омили бўляпти. Аммо шунинг орасида қурмағи ҳам бўлгандек, бу соҳага муайян тайёргарликсиз кириб келаётганлар ҳам оз эмас. Ана шундай ҳаласавод хонандалар туйғайли саёз, тумтарок матрили кўшиқлар кўпайиб бормоқда. Бу борада оммавий ахборот воситалари орқали тез-тез чиқишлар ҳам бўляпти. Афсуски, бундай чиқишларни кўп ҳолларда аксарият эътилол ўқийди. Хонандаларнинг бирортаси танқидий мақола-ларни ўқирмаган, деб ўйлаб қолсан киши. Очигини айтиш керак, бугун кўшиқчилик санъати ва кўшиқчилар олдида талай вазифалар турибди. Бугун биз хонанда одоби, унинг саҳнадаги, тўй-ҳашамлардаги хатти-ҳаракати ҳусусида сўз юритмоқчимиз.

Яқинда бир одам шундай воқеани айтиб берди. Тўйга номи чиққан хонандалардан бирини тақлиф қилибди. Хонанда бир жуфт кўшиқдан кейин, қўлига микрофони олиб, ҳозир “дежурний”лар (яъни тўйни бошдан охиригача ўқазиб

берувчи гуруҳ)ни “муздек қилармиз”, деб келин-кўёвнинг яқин қариндошларини даврага чорлабди. Хонандон соҳибларига бу тақлиф маъқул тушмабди. Сабаби яқин қариндошлариникида таъзия бўлганига ҳали ҳеч қанча вақт ўтмаган экан. Хуллас, улар даврага чиқишмабди. Бундан ранжиган хонанда микрофони шартта стол устига қўйиб “бизнинг нарх шунча бўлди”, деб тўйхонани ташлаб чиқиб кетибди. Йигилганлар хонанданинг қилиғидан таажжубга

САНЪАТКОР ОДОБИ: У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

тушишибди. Хурмат-этибор қозонган, устоз мактабини кўрган, ўзи ҳам ёшларга устоз бўла оладиган хонанда шундай номаъқул иш қилиб ўтирганидан кейин санъат даргоҳига энди кириб келаётган ёшлардан нимани кутасиз?

Сир эмас, баъзи маънавий қашшоқ, лекин мўмай даромад топадиган одамларнинг тўйларида “бирров”чилар шундай кўпайиб кетадики, тўйнинг дискотекадан фарқи қолмайди. “Бирровчилар” шундай кўпайиб кетган бир тўйда устоз санъаткорлар ҳам бор экан. Бир “юлдуз” хонанданинг ортида юрадиган йигитлардан бири “навбатни бизга беринглар, қутишга вақтимиз йўқ”, деб ҳамманинг таъбини хира қилибди. Ҳолбуки, тўйхонандаги устоз хонандалар элга танилган пайтлари улар ёшганига “гўдак” бўлишган. Бу ўринда санъаткор одоби, устоз санъаткорларга хурмат, эътибор қаёқда қолди, деб ҳайрон бўласиз.

Профессор Шариф Юсуповнинг “Ҳофизнинг сўнги хониши” мақола-сида (“Театр” журнали 2010 йил 4-сон) устоз санъаткорларимиз Шоқосим, Шоолим Шожалилов ва уларнинг устози Жўраҳон Султонов, Комилжон Отаниёзовларнинг эл олдида ўзини тутиши, бир-бирларига илтифот, санъаткор одоби ҳақида жуда ибратли воқеалар тилга олинган.

Буларни ўқиб, устоз санъаткорларнинг буюклиги нафақат уларнинг санъатида, оддийлиги камтарлигида бўлса керак, деган ўй ҳаёлимиздан ўтди. Файласуф Фридрих Шиллер “Санъаткор аср фарзанди, аср тантиғи бўлиб қолса ҳолига вой”, деганида минг бора ҳақ бўлганига имон келтирдик.

Биз улуг санъаткорларимиз ҳаёти ва ижодини, юксак маънавийтини ҳали-ҳануз ибрат қилиб

кўрсатамиз, эҳтиром билан тилга оламиз. Албатта, бугун ҳам халқ эъзозига сазовор бўлаётган, санъати ва шахсияти билан хурмат-эъзоз топаётган хонандалар оз эмас. Афсуски, улар орасида ҳам масъулиятсизлари, босар-тусарини билмаган, фонограммани дастак қилиб, пул “ишлаш”га муқасидан кетганлари ҳам борлиги одамни ранжитади. Наҳотки, улар халқ артисти ёнқи хизмат қўсатган артист деган номнинг юки оғир, масъулияти юксак эканини ўйлаб кўршмасан! Унвон юртининг, халқнинг ишончи. Ишончини оқлаш, унга муносиб бўлиш зарур.

Миллий эстрада санъатига эътибор, ёшларга яратилаётган шарт-шароитларни кўриб, ифтихор қиламиз. “Йилт” этган истеъдод борки, юксак эътибордан баҳра-

Муҳокама учун мавзу

да хонандаларининг ҳаммаси ҳам бу талаблар ҳақида ўйлайди, деб бўлмайди. Эҳтимол, саҳнада уларнинг кийими меъёридадир, лекин тўйларда ва баъзи клип-ларда уларни кўриб уялиб кетасан, киши. Айниқса, хонанда қизлар тор шимда, очик-сочик кўйлақда, алламбалочо соч-турмақларию чаплаган бўёқларда даврага тушиб, ўзларини ҳар оҳангга солиб кўйлашларига нима дейсиз! Ахир, тўйда етти ёшдан етмиш ёшгача қатнашади. Ёши улуг кишилар олдида андишасизлик қилишга уялишмайди? Баъзан оғизларидан турли-туман бемаза сўзлар ҳам чиқиб кетади. Санъаткор одоби, санъат маданияти деган гаплар қаерда қолди? Ёшлар бундан қандай ибрат олади?

Бизнингча, буларнинг бари санъат аҳлини жиддий ўйлантириши керак бўлган масалалар. Ахир, кўшиқ кўйлашдан мурад халқнинг дидини ўстириш, маънавияти ва маданиятини юксалтириш, кўшиқчилик санъатининг ҳазинасини бойитиб, келгуси авлодларни ушбу ҳазинадан баҳраманд этишдан иборат эмасми. Санъат йўлига кирганлар бунинг учун англаши, халқимиздан яхши кўшиқлар учун ҳаммани қардор эканлигини ҳис этиб туриши, ўз касбига садоқат ва фидойилик билан ёндашишлари зарур.

Кўшиқ миллат маданиятининг ўзига хос кўзгуси экан, хонандалар умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган, халқимизнинг орзу-умидларини ифода қилаётган, эртанги кунга умид ва ишонч туйғуларини уйғотадиган, юртимиз шонушарфини кўтарадиган кўшиқлар яратиш йўлида мудом изланишлари, устозлар сабоғидан ибрат олиб яшаши зарур, деб ўйлаймиз. Ҳақиқий ижодкорнинг қалби доимо уйғок бўлади. Шундай қалблардан таралган эзгу наволаргина халқнинг кўнглига етиб боради.

Матлуба ТЕМУР қизи, Гулҳебра УМАРОВА, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси қошидаги ижодий кўмаклашувчи гуруҳ аъзолари

ДИЛКАШ ДУТОРИМ

Куйла дилкаш, куйла дилкаш дуторим, Тинглаб, ором олсин севики ёрим, Қалб садоси бўлиб янгра қўлимда, Хуморим ёз, хуморим ёз, хуморим.

Дутор Мовароуннаҳр ва Марказий Осиёнинг қадимий чолғу асбобларидан бўлиб, туркий халқлар орасида, айниқса, Ўзбекистонда энг кўп оммалашган соғлардан бири ҳисобланади. Республикамызда дутор қадимий севиб ижро этилади ва тингланади. Суҳбатдошимиз Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Халқ чолғулари» кафедраси доценти Рўзиби Хўжаева Ўзбек-япон маркази ҳузурда ташкил топган «Дуторчи» ансамблининг ҳам раҳбаридир.



— Рўзиби опа, суҳбатимизни Ўзбек-япон маркази ҳузурда ташкил топган курс фаолиятдан бошлашасиз.

— Юртимиз таянчи ва суянчи бўлмиш ёш авлодни тарбиялашда миллий мусиқа санъатининг ўзига хос ўрни бор. Бу борада халқимиз севиб чаладиган дутор чолғусининг оммалашувига кўмаклашиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбек-япон маркази ҳузурда фаолият юритаётган «Дуторчи» курси 2005 йили марказ раҳбари, япониялик жаноб Инаба ташаббуси билан ташкил топган. Дастлаб бир ойлик курс сифатида фаолият олиб боришга мўлжалланган бўлса-да, кейинчалик Ўзбек миллий маданиятига қизиқувчилар сонини ортаётгани инобатга олиниб бу ойлик, сўнгра олти ойлик курслар ташкил этилди. Бугун марказда фаолият юритаётган икки гуруҳда 13 нафар япониялик хотин-қиз дутор шайдоқони бор.

— Жамоат таркиби қандай тўзилган?

— Жамоатимиз асосан 17 ёшдан 70 ёшгача бўлган, юртимизга иш юзасидан келган японияликлардан иборат. Уларнинг бири олим, бири тадбиркор, яна бири сайёҳ, Менга японларнинг бир одати ёқиб қолди. Улар қайси мамлакатда бўлишмасин, албатта, шу миллатнинг урф-одатлари, маданияти, яшаш тарзи билан қизиқадилар. Шунинг учун курсда турли соҳа вақилларини учратиш мумкин. Уларнинг асосий мақсади ўз билим ва кўникмаларини биз билан баҳам қўриш, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, миллий чолғуларимизни ўрганиб, малака оширишдан иборат. Япониялик

шоғирдларим ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Инсон қалбига йўл топишда куй-кўшиқнинг кучи беқиёс. Ниятимиз Ўзбек дутор куй-кўшиқларини шунанга ижро этиш эмас, уларни маромига етказиб ўзга халққа етказиш. Тингланган одам «Ҳа, энди ўрганибди, айтибди-да», демасин, «Эҳ, отанга раҳмат. Ўзиям ижромисан, ижро бўлибди», десин.

Утган йилнинг декабрида курс тингловчилари “Интерконтинентал” бизнес маркази мажлислар залида ҳисобот концертини беришди. Шу анъанани давом эттириш ниятимиз бор.

— Шоғирдларингиз ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Курс иштирокчилари — японияликларга ўзбек дутори, куй-кўшиқларини ўргатиш билан бирга урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз ҳақида ҳам тушунча берамиз. Соқомотосан, Фумисан, Макикосан, Хакиварасан каби япон аёллари миллий дуторни худди ўзимизнинг ўзбек қизларидек қалаётгани кишини завқлантиради. Аюко исми 62 ёшли япон хонимининг ўзбек маданияти, куй-кўшиқларини ўрганишга бўлган иштиёқини кўрган кишининг қалбида миллий гуруҳ, фахр туйғуси янада жўш уради. Орузим «Дуторчи» курсининг собиқ тингловчилари билан бирга Японияда концерт ўтатириш. Япон ва ўзбек халқлари орасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганимиздан мамнумимиз.

Дилдора РИЗАЕВА суҳбатлашди

САРДОРНИНГ ОЛАМИ

Сардор Курганов Фазалкент шаҳрида тавалуд топган. Илк таъбирий санъат сирларини устози Фуқрат Усмоновдан ўрганган. Республика рассомлик коллежини битириш чоғи яратган “Улоқ” номли диплом иши мутахассислар эътирофига сазовор бўлиб, Миллий рассомлик ва дизайн институти рангтасвир бўлимига ўқишга кирди. Илганувчанлиги туйғайли “Сайёра тинчлиги — юрт ободлиги”, “Энг улуг, энг азиз”, “Келажақ овози”, “Баркамол авлод” кўрик-танловларида қатнашиб соҳибдор бўлди. Ўзбекистондаги Америка элчихонаси ҳамкорлигида ўтказилган “THE YOUTH AGAINST DRUGS” art contest танловда биринчи ўринни эгал-

лашга муваффақ бўлди. Ёш рассом фақат рангтасвирда эмас, маҳобатли рангтасвир-

Кўргазма залларида



нинг витраж санъатида, майда ҳайкалчалар ясашда ва амалий

санъат йўналиши бўлмиш заргарлик буюмлари ишлашда ҳам катта ютуқларга эришди. Рассом домин изланиши, ўзини санъатнинг кўп йўналишларида синиб кўриш лозим, деб ҳисоблайди Сардор. Лекин унинг рангтасвирга айрича меҳр қўйгани асарларида яққол сезилиб туради.

“Реалистик услуб ҳар қандай услуб ва йўналишнинг асоси бўлгани сабабли унга бўлган талаб ҳеч қанча сўнмайди”, дейди ёш рассом. Унинг асарларида олам ва одам нур ва соялар уйғунлигида тасвирланади. Рассом образлар характерини маҳорат билан тасвирлашга ҳаракат қилади.

Кунин-кеча Чирчиқ ўлкашунослик музейида Сардорнинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазма рассомнинг манзара, портрет ва натюрморт жанрларида яратган асарларидан ташкил топган. Уларда асосан Ватанга, она юртининг гўзал табиатига муҳаббат акс этган.

ЗУРАК ЗАЙНУТДИНОВА

— Китобга “Ўзбекистоннинг олтин кузи” асарим киритилди, — дейди рангтасвирчи рассом Ҳайдарбек Санаев. — Бу асарда юртимиз кузининг бетакор гўзаллигини сарғиш-қизғиш рангларда тасвирлаганман.

Зеро рангтасвир асарлари ҳар қандай миллат кишини учун тарқимасин ҳам тушунарлидир.

“Туркистон-пресс”

Эзувчи ва журналист Урол Утаевнинг “SHAROQ” нашриёт-матбаа акционерлик компанияси бош муҳарририяти томонидан чоп этилган “Зангори экран зарғари” китоби таниқли режиссёр, республика телевидениесидаги эллик йиллик фаолияти давомида телевизион новелла, телеспектакл ва видеофилм жанрининг юксак намуналарини яратиб, бу соҳада ўз мактабини яратган эришган инсонлардан бири Мақсуд Юнусовнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган.

Уз ижодий ишини А.Чеховнинг “Илтимос”, “Айик”, “Юбилей” каби кичик асарларини сахналаштиришдан бошлаган М.Юнусов илк бор В.Фадуровнинг “Вафодор” романи асосидаги телеспектаклини яратишга бош-қош бўлди. Спектакл ўшанда томошабинлар орасида шухрат қозонди. Бу ҳақда китобда муфассал баён этилган. Шунингдек, китобда М.Юнусовнинг “Улғубек хазинаси” романи асосидаги телестановкасининг яратилиш тарихи, Ч.Айтматов “Оқ кема” асарининг телеспектакли, У.Усмоновнинг “Гирдоб” романи, О.Ёқубовнинг “Дибнат” асари асосидаги видеофилмлари, “Улғубек хазинаси” романининг постановка қилиниши, ўн қисмдан иборат “Навоий” видеофилмининг яратилиши ҳақида ҳам мароқли ёзилган.

М.Юнусовнинг режиссёрлик маҳоратини янада кенгроқ очиб бериш учун муаллиф Т.Пўлатнинг “Ичкўк” асари асосидаги видеофилм ва билан боғлиқ воқеалар-

УМР ЙЎЛЛАРИ

ни бир тизимга солиб, асослаб ёзган. Шунингдек, китобда П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи асосидаги “Бобур”, Чўлпон асари асосидаги “Кеча ва кундуз”, машҳур “Лайли ва Мажнун” достони асосидаги видеофилмлар яратилишига оид қизиқарли воқеалар баён қилинган.

Китобнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, У.Утаев М.Юнусов яратган видеофилмларда иштирок этган, бир неча видеофилмларга муҳаррирлик қилган. Муаллиф воқеаларнинг бевосита гувоҳи бўлгани ҳам китобнинг қизиқарли ва таъсирчан бўлишини таъминлаган.

Китобингизни ўқидим

Китобда фидойий инсон, таниқли режиссёр М.Юнусовнинг маҳорати, ижод сирлари, сермаҳсул санъатининг қирралари муаллиф томонидан чуқур очиб берилган.

У.Утаевнинг яна бир китоби — “Телевидение — давр кўзгуси” рисоласи “O‘zbekiston” нашриётида чоп этилди.

Китоб билан танишиш давомида ўқувчи ўтган асрнинг 70-80-йилларида телевидениедаги жўшқин ижодий жараён, адабиётимизнинг муомтоз вақиллари ҳақидаги кўрсатувларнинг юзага келиши, буларнинг бевосита эфир юзини қуришида У.Утаевнинг сай-ҳаракатлари, ижодий ҳамкорлиги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади. Хар бир кўрсатув ва телеспектаклни тайёрлаш жараёнидаги муаммолар, истибод даври мафқураси раҳбарларининг миллатлик ва бебаҳо қадриятларимизнинг кўрсатувларга олиб чиқилишига билдирган эътирозлари жонли ва ҳаққоний ёзилганки, бу мисоллар, айниқса, бугунги ёшлар учун яхшигина ибрат бўлади.

Китобнинг “Тадқиқот, таҳлил ва тақлифлар” боби алоҳида аҳамият касб этади. Бунда У.Утаевнинг 2002-2006-йилларда бевосита республика Телерадиокомпанияси “Мониторинг, таҳлил, ўқув ва маҳаллий телерадио-лар билан ишлаш” департаментини директори лавозимида ишлаб юрган йилларида телевидениенинг теле ва радиоканалларида олиб борилган социологик тадқиқотлар, уларнинг мазмун-моҳияти, олинган натижалар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Жамоатчилик фикри


асосида тўпланган бу бебаҳо маълумотлардан бемалол илмий ишларда фойдаланиш мумкин.

“Ўзбекистон миллий Телерадиокомпаниясининг бугунги қийфаси” қисмида мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари ва ҳукуматининг республика телевидениесини ривожига бераётган эътибори, ўтган 19 йил ичида оммавий ахборот воситаларининг бошқа турлари қаторида телевидение ва радионинг ҳам тез суруятлар билан ривожланиб бораётгани, мустақиллик даври телерадио соҳаси журналистларининг намунали ишлари ҳақида тўлиб, жўшиб ёзган. “Депутатлик майдони: йўллар ва чорраҳалар” номли қисмда У.Утаевнинг мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон халқ депутатлиги сифатида олиб борган иш фаолияти ҳақида кўп нарсаларни билиб олиш мумкин. Айниқса, ўтган асрнинг 80-йиллари охирида республикамызда “пахта иши” билан ноҳақ камалган юртдошларимизнинг аччиқ қисматларини, мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши, депутатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси, Давлат байроғи ва Давлат гербининг қабул қилиниши билан боғлиқ фаолиятлари ҳақидаги хотиралари ҳаяжон билан ўқилади.

“Телевидение — давр кўзгуси” китобидаги муаллифининг қариб 40 йиллик ижоди, ҳаётни жиддий кузатишлари асосида чиқарган хулосалари, аввало, соҳа ходимлари, қолаверса, кенг китобонлар оммасида қизиқини уйғотади, деб ўйлашимиз.

Юсуфжон ҲАМДАМОВ, УЗМУ доценти

«ЎЗАС» галереяси



Гуллаётган дарахтнинг сувдаги соясини кўрганми-сиз? Бундай маъсум дамлар гоят кискка, ниҳоятда жозибали бўлади. Дарахт гулларининг соялари шомол бўлмаса ҳам тезоқар сувда тез-тез титраб чайқалади, айниқса, улар кўёш шуъалари билан бекинмачоқ ўйнагандек дам у ёққа, дам бу ёққа талпиниб, жимирлайди, бундай нафис манзара кўзни мулоимий силайди, диққинафасликдан безган дидни бир сирли оҳангда аллайди. Ёш рассом Эшмамат Ҳайитовнинг "Баҳор" асарини томоша қилсангиз, ана шундай лаҳзаларни бошдан кечирасиз. Эшмамат 1973 йили Қашқадарёда тузилган, Тошкентдаги Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда Италиянинг Комао шаҳридаги Альдо Галли номидаги Нафис санъат академиясининг рангтасвир факултетида таълим олган.

Сой мавжларининг музранг ва новвогранг тусларини янада кучайтириб кўрсатади. Бу эса ўзига хос шиддатли бир оҳанг ҳосил қилади. Баҳор офтоби кўринмайди, аммо унинг шуъалари манзара гўзаллигини тўла-тўқис очиб юборган. Унинг ёруғлигидан оқарган замин ранги дарахтларнинг оппоқ гулларига ҳамоҳанг кўринса-да, ундаги туслар тупроқ хидини эсга солади. Инсоннинг ерга яқинлигидан ҳосил бўладиган қадрдон бир туйғунни ҳис қиласиз.

ГУЛЛАЁТГАН ДАРАХТНИНГ СУВДАГИ СОЯСИ

Эшмаматнинг бу асари 2009 йили ишланиб, "Юртимиз жавонхирлари" кўргазмасида намойиш этилган эди. У аёнанавий реалистик услубда яратилган. Баҳор мавзусига бағишланган ушбу асар бир қарашдаёқ кишини ўзига жалб этади. Албатта, баҳорнинг ҳар қандай кўриниши ҳам гўзал. Аммо бу композицияда баҳорнинг чинакам таровати билан бирига бошқа бир жозоба ҳам бор. Бу истейодли рассомнинг самимий туйғуларидир. Асарда сўқмоқдан бог томон кетаётган қиз мовий ранг либосда. Бу ранг орзулар оламини аниқлатади. Ундан сал ёши катта қиз либоси эса тўқ қирмизи рангда. Бу ранг завқу шавққа лиммолим қалб тимсоли. Синчиклаб қаралса, баҳор офтобидан пайдо бўлган уларнинг сояси ҳам нурланаётганлигини пайқаш мумкин. Биз бу қизларнинг юз киёфларини кўрмаймиз, аммо соя-шарпасидаги майинлик улардаги жисмоний гўзалликдан нишона бериб турибди. Бу иккала йўловчи қиз хозиргина кўприкдан ўтишган. Кўприкдан нари — гулга кирган бог, улар баланд тераклар, олисда қорли, нури чўққилар... Бу манзарадан мабодо қизлар шарпаси олиб ташланса, композициядаги яхлитлик бузилади, макон бирдан хувиллаб қолади.

Манзара қанчалик гўзал бўлмасин, оддийгина ёноч кўприк туфайли унинг чиройи янада линади, улар йўловчининг олисқинлик масофасини сезишига хизмат қилади. Сой қирғоғининг чап ва ўнг томонидаги харсангтошлар омонат кўприкнинг икки томонини кўтариб турибди. Кўприк ётқизилган ёночлардан иборат, унга кўндаланг қилиб, йўғон-ингичка аралаш шох-шаббалар босилган. Муаллиф кўз илғамас унсурларга ҳам маълум бир гоё ва максадни ўқлайди. Муаллиф тошларнинг бир жойга қалаштирилиши уларнинг сочилиб ётишларига, кирғоғини сув ўпирилишида сақлаб, қалқон бўлиб туришларига ҳам хизмат беришига таъкидлаётгандай бўлади. Демак, рассом композицияда фақатгина баҳор манзарасини тасвир этиб қолмасдан, ҳар бир танланган улуғ-унсурларини маълум бир гоёга хизмат қилдиради. Аммо деталлар бир-бирига зўрма-зўракилик билан мослаштирилмаган. Ранг сурталарининг шуъалалани туриши, нур-сояларнинг табиий мувозанати, кундузги баҳор ҳавосининг мўътадиллиги, чизгиларнинг енгил ҳаракатлини шассомнинг рангтасвирда ҳам маҳоратини намоеън этади. Гарчи, рассомлар ижодида тоғ сойи, қорли чўққилар, омонат кўприклар, харсангтошлар, фаслар ўзгаришлари кўп чизилган бўлса-да, Эшмамат Ҳайитовда бундай манзара шоирона, нозик,

эҳтирос билан, рангларнинг гоёт нозик жилваларида ифода этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Манзарани илоҳий бир нур ёриштириб тургандек, шу боис, ҳар бир нарсаси, ҳатто оддий тошга кўйлаётгандек туюлади. Рассом ранг ўйинларига алоҳида диққатни қаратади. Дарахтларнинг яшил рангларига куюқлаша боради, бу эса бог ичига кетган йўлни бекиниб қўяди, тасвирланаётган унсурлар рангтасвир қонунларини сақлаган ҳолда катталаштирилиши ёки кичрайтирилиши натижасида маконнинг олисқинлик масофаси табиий тарзда намоеън бўлади. Кўзимизга оддий кўришиб юрган сой бўйининг нақадар рангларга, унсурларга, латофатга бойлигини ҳис қила бошлаймиз. Табиатдаги шафқофлик, покизалик, енгиллик, илқ жилвалар инсон табиатида қўйиб қиради. Одатда бундай баҳор манзараси қалбда узоқ акс-садо беради, кузакнинг булутли кунларию кишининг қорли дамларига ҳам ҳузур бахш этади. Аммо йилнинг тўрт фаслида ҳам ёлқинланиб турадиган рассомнинг мана шундай мафтунок асар томошабин қалбда дамиша баҳорий кайфият туғдирса, у санъатнинг саодатли дамлари учун ташаккур айтайша бурчлидир.

Нодир НОРМАТОВ

Абдуҳаким НИШОНОВ ҚАРЗДОР БЎЛИБ ҚОЛМАЙИН

МАОШ УСТИДА МОЖАРО

— Гапларим тунгунга қилгин, ука, ҳаракат. Янги ойда бир мунча Ошиб кетди ҳаракат. Бу сарфларга кейинроқ Бошқа маблаг топамиз, Аммо ҳозиргина Иш ҳақидан ёпамиз. Ўзинг текшир, марҳамат, Мана "Чиким дафтери", Нима? Қачон? Қасрга? — Ёзиб қўйилган бари: "Бешинчи"да, биласан, Бош ҳисоби туялди, "Еттинчи"да жамоа Тўй ошига йингилди. Хабаринг бор, яқинда Тафтиш босди Сузтонни, Кеча Маҳмуд кузатди Бошқармадан "мехмон"ни (Бундай кун барчанингини Бошимизда бор, укам, Текширув келса сенга, Қараб турмас улар ҳам). Чоршанбада йўқладик Бетоб ётган Маликни, Ҳа, айтгандай, ёлғиздан Чинқарма шабаликни. Хузуримга кирувди Эрталабдаёқ Латиғ, Чикиб кетди ана бир Обунани эслатиб. Бу ёки майда-чуйда Чикимларди қолгани, Санаб ўтай уларни, Шум бол"нинг юзи тирилган, бир бол! Бу камлик қилгандай уялмай-нетмай "Қаптан қизи"га туширибсан доғ. Илҳом, сен акагинг оғоҳ қилиб қўй, Бўлди, бас, даламиз берманан айтиб: Қачон, ахир, "Бошига чавандоз" билан "Сариқ девни миниб" келди қайтиб? Жаҳонгир, ҳар сафар сени кўрганда

Касб байрами турибди. Кейин, ўтган шанбада Отталик "юз-юзта"дан, Буням ушлаб қолдим Сен, оморчи, устадан. Ундан сўнг... — Шошманг, ака! Қотирмай меннинг бошим, Ҳисобланг-чи жамини, Етармикан маошим. Розиман иш ҳақидан Майли тийин олмайн, Фақат ўтган галгайд Қарздор бўлиб қолмайин!

Танбех беришдан мен сира толмайман. Бегамлигинг сабаб баҳордан бўён "Ўткан куллар"имни қайтаролмайман. Китоб ўқимай тур уч-тўрт кун, Комиш, Дала ишлардан анча толибсан. Эрталаб қарасам, "Римлик аёл"га Бошингни қўйганча ухлаб қолбсан. ...Сўларимни тинланг, шу ой сўнгиде Кичкина тадбирни турибман қўлаб: "Йўқотганларим ва топганларим"ни Сизларга бир бошдан берманан сўзлаб. Яна бир хушхабар: Кимки китобин Сақласа озода ҳамда бус-бутун, Интизомли ўша болага меъдан Ҳалядир "Асрга таттилик кун".

"МАҚТАНИШ — БАРЧАГА ХОС ИШ" ТУРКУМИДАН

Хўроз: Бормикан мен қаби юқтирмадан гард Қирқ хотинни бирдай олиб юрган мард!

От: Гар етмаса қуватим Шер билан Филга, Тенглашмасди кучини автомобилга.

Арсрон: Мендайин оламда бўлмаса керак Аёлни кал қилиб соч қўйган эркак.

"ҲАР СОҲАДАН БИР ШИНГИЛ"

Қарралар таъзиясада Бу мусибат тушмасин ҳеч қайси бошга, Марҳум энди кирганди юз эллик ёшта.

Сачқоналар мактабиде — Филдай бўлсанг не бўларди? — Кун бермасдин мушукка! — Ўтир, "Икки!" Сигмас эдинг Омборлагни тешикка.

Бариқлар охиридада "Темир суққан гўлдан эҳтиёт бў", деб Ўтирибсиз ўзингиз нега қабоб еб?

Қапанушлар суғаса Қотилнинг уйдан топилган эмниш Тинтувда бир ярим кило марғумуш.

ТАРЖИМА — УЙҒУНЛИК ДУНЁСИ

Ижод — кўнгил кенгликлариде жилваланаётган шуъла, мавжланаётган денгиз, юксалаётган тоғ, шовуллат турғувчи богдир. Қалам учидан тўкилаётган туйғулар сеҳрдан дилларга, йўллар йўлларга, йиллар йилларга уланади. Бу, айниқса, таржима асарларида яққол кўзга ташланади. Москвада чоп этиладиган "Дружба народов" журналининг 2010 йил 7-сониде "осиёлик уч нафар навқирон шоиранинг овози жаранглади: Тошкентдан Гузал Бегим, Олмаотадан Айгерим Тожи, Бишкекдан Олтиной Жуманазаровларнинг шеърларий". Истеъдодий шайра Гузал Бегимнинг шеърлари ўзбекистонлик русийзабон шоир, таржимон Николай Ильин таржимасида чоп этилган. Таржимада аслият нафақат мазмунан, руҳан, шаклан табиийлигини йўқотганда, балки ўғирлаётган тилинг жарандорлигига, моҳиятига алоҳида ургу берилган. Бу Гузал Бегим шеърларининг тасирчанлигини оширган:

Кўлимда бахтнинг қалити бурасам учиб кетар қанотсиз қушлар *** Стоит мне только повернуть ключ от счастья и взлетают бескрылые птицы

ДРУЖБА НАРОДОВ 72850

Кибрай тумани Тузел Қишлоқ фуқаролар йиғини Гулзор-2 маҳалласи Тоиров р/с уй, Алимов Азамат Азодовичга тегишли бўлган № 11-05-07-01-03-0447-0001 рақамли кадастр хужжати йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат техника университети томонидан 2010 йил 92V-07 № 2315 рақам билан Акбарбеков Раҳимбек Бахтиярович номига берилган рейтинг дафтраси йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги "ALCATRAS EXKLUSIV" ИИН-418231023 хусусий корхонаси ТУГАТИЛАДИ. Давволар эълон қилқан кундан бошлаб икки ой ичиде 911-57-21 телефон рақами билан қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман БТИ томонидан Фаробий кўча, проезд Курган-тепа 79-уйга тегишли Азимов Абдураффар Абдуаломитович номига берилган уй ва қабил йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Общество с ограниченной ответственностью "AVTO OLAMI" (ОО "AVTO OLAMI") зарегистриванное Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Шайхантахурского района г.Ташкента № 01159 от 09.02.2005г. ИИН 203300694, ЛИКВИДИРУЕТСЯ. (протокол собрания учредителей №2 от 16.09.2010г. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по адресу, г.Ташкент, Г.Гулом, 22 "А". Тел: 127-18-60.

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман БТИ томонидан 2006 йил Джавхарова Камола Мирғиёзовна номига В № 277834 рақам билан берилган бақалавр дипломи йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улугбек туман № 241 мактаб томонидан 1985 йил Валиева Шахноза Фазлитдиновна номига №317874 рақам билан берилган аттестат йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сержели туманидаги хусусий тадбиркор Сидиков Данияр Эркинбаевич номига берилган думалоқ муҳр йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман БТИ томонидан Фаробий кўча, проезд Курган-тепа 79-уйга тегишли Азимов Абдураффар Абдуаломитович номига берилган уй ва қабил йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

УзМУ томонидан 2006 йил Джавхарова Камола Мирғиёзовна номига В № 277834 рақам билан берилган бақалавр дипломи йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан "Т.А.І. PHARMA LIMITED Фарма Лимитед," компаниясининг ўзбекистондаги савдо бошқарувини Шарма Йогеш номига 2010 йил 1 июлда берилган № 00000805 рақамли аккредитация


Собир Раҳимов туман Хокимияти томонидан рўйхатга олинган "ОО "AVTO OLAMI" (ОО "AVTO OLAMI") зарегистриванное Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Шайхантахурского района г.Ташкента № 01159 от 09.02.2005г. ИИН 203300694, ЛИКВИДИРУЕТСЯ. (протокол собрания учредителей №2 от 16.09.2010г. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по адресу, г.Ташкент, Г.Гулом, 22 "А". Тел: 127-18-60.

Мирзо Улугбек туман БТИ томонидан Тошкент шаҳар Кариниязова кўча 5-уй, 90-хонадонга тегишли Кавановская Евгения Александровна номига берилган уй ва қабил йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор туманида рўйхатга олинган "KEEN-OIL-BUSINESS" хусусий корхонаси ИИН-206149548 устав фондини 2 003 000 000 сўмдан 722 946 800

Собир Раҳимов туман Хокимияти томонидан рўйхатга олинган "ОО "AVTO OLAMI" (ОО "AVTO OLAMI") зарегистриванное Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Шайхантахурского района г.Ташкента № 01159 от 09.02.2005г. ИИН 203300694, ЛИКВИДИРУЕТСЯ. (протокол собрания учредителей №2 от 16.09.2010г. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по адресу, г.Ташкент, Г.Гулом, 22 "А". Тел: 127-18-60.

Оқ либосда чирой очар келинчак...




ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз газетхон! Сөвимли газетангиз — «ЎЗАС»га обуна давом этмоқда. Обуна ҳар ойнинг ўнинчи санасигача расмийлаштирилса, келгуси ойдан бошлаб ижодий мулоқотимиз давом этаверади. Нашр кўрсаткичимиз —222.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Тошкент Фото уйда "Орол силуэти" деб номланган кўргазма очилди. Унда Турсун Али ва қорейлик фотосарасм Сунг Нам Хуннинг бир юз элликка яқин асарлари намойиш этилди. Ўзбекистон Балий академияси, Юнеско шафёлигидаги халқаро толерантлик буйича Осие-Тинч океани таълим маркази (АРСЕИ), Корея Республикаси Малангит, спорт ва туризм ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмадан Орол муаммосига бағишланган асарлар жой олган. — Ўзбекистонга учинчи бор келишим. Менга бу диёр жуда ёқди, — дейди Сунг Нам Хун. — Мўйноқда олган суратларинида Оролнинг табияти ва набообат оламига салбий таъсири очиб беришига ҳаракат қилганиман. Максадим, экологик муаммоларга дунё ҳамжамияти эътиборини қаратиш орқали Оролни кутқариш ишларини жонлантиришдан иборат. Бир неча китоблар муаллифи Сунг Нам Хун кўплаб халқаро кўргазмаларда иштирок этган. Мазкур кўргазма доирасида ўн учинчи сентябрьгача Ўзбекистон бўйлаб фототур ўтказилади.

Ёшлар ижод саройида "Келажак овози" танловининг Тошкент шаҳар босқичи қолибларини тақдирлаш маросими ва улар иштирокида анжуман бўлиб ўтди. Бу йил республика бўйлаб "Келажак авлод — 2010" танловига етмишдан ортиқ йигит-қиз ариза топширган. Ёшларимизнинг интернет орқали ҳам ариза тўдириши имконига эга бўлишгани танловнинг энг замонавий ёшлар лойиҳасига айлана бораётганидан дарак беради. Танловда Ахборот технологиялари университети талабалари Меҳридин Раҳимов ва Шерзод Муҳаммадзонов, Тошкент Ирригация ва мелиорация институти талабаси Насиба Муродованинг рационализаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар йўналиши буйича танловга тақдим этилган лойиҳалари намойиш этилди. Адабий ижод ва публицистика йўналишида қолиб бўлган Рустам Турсунов йиғилганларга ижод намуналаридан ўқиб берди. Шунингдек, архитектура ва дизайн, миллий ва амалий санъат йўналишларида ҳам қолиблар аниқлаиб, республика босқичига йўланмани қўлга киритдилар.



МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ... НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32 Кабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: info@uzas.uz Котибият — 233-49-93

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.28

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН